



Ўзбек адабиёти мухлислари ҳамда барча китобхонларига яна бир хушхабар!

Шоир, ёзувчи ва сиёсий арбоб, Ўзбекистон «ЭРК» Демократик партияси раиси ҳамда Ўзбекистон Халқ Ҳаракати лидери Муҳаммад Солиҳнинг асарлари мажмуаси нашрдан чиқди.

Мажмуа етти жилддан иборат бўлиб, илк беш жилди муаллифнинг шеърий ва насрий асарларидан, сўнгги икки жилд эса

мақолалари жамланган.

Муҳаммад Солиҳ асарларининг охириги 5-жилди рус тилидаги асарлар мажмуаси бўлиб, «Стихи и Публицистика» деб номланган. Унда муаллиф шеърларининг таниқли рус шоирлари Виктор Соснора ва Алексей Паршиков тарафидан қилинган русча таржималари, жаҳон Оммавий ахборот воситаларида Муҳаммад Солиҳ ҳақида чоп қилинган мақолалар ҳамда эксклюзив

МУҲАММАД СОЛИҲНИНГ ТўЛА АСАРЛАР ТўПЛАМИ НАШР ЭТИЛДИ

М.Солиҳ ҳақида турли ОАВларда чоп этилган мақолалардан ташкил топган.

1-жилд шеърий тўплам бўлиб, унга шоирнинг XX аср 60-йилларидан бугунга қадар қилинган шеърлар киритилган ва «Вал-Фажр» деб номланган.

«Иқро» номли 2-жилдда эса Муҳаммад Солиҳнинг турғунлик йиллари, Қайта қуриш даври ва Мустақилликнинг илк йилларида ёзилган мақолалари жамланган.

3-жилд муҳожиротда ёзилган «Йўлнома» хотира китоби бўлиб, унда муаллифнинг 60-90-йилларни ўз ичига олган ҳаёт йўли, ижодий изланишлари ва сиёсий фаолияти қаламга олинган.

«Туркистон шуури» номли 4-жилдда эса М.Солиҳнинг муҳожирот йилларида ёзган

сухбатлар киритилган.

Шунингдек, Туркия ва жаҳон оммавий ахборот воситаларида ўзбек муҳолифати лидери ҳақда ёзилган мақолаларни ўз ичига олган «Муҳаммад Солиҳ ҳақида» ҳамда хориж ОАВда нашр қилинган инглизча мақолалардан иборат «Freedom of unarmed man» китоблари ҳам мажмуага киритилган.

Мажмуа Туркиядаги «IHLAS» нашриётида чоп этилган бўлиб, ўзбек тилидаги жилдларга ЛОТИН ЁЗУВИДАГИ НУСХАЛАРИ ҳам илова этилган.

Мажмуанинг электрон нусхасини тез кунларда Муҳаммад Солиҳнинг шахсий блогидан (muhammadsalih.com) юклаб олиш мумкин бўлади.

«Дунё ўзбеклари» сайти

«ЭРК» ФАОЛИ Ф.ТИЛЛАЕВ ҚАМОҚҚА ТАШЛАНДИ

«Эрк» партияси фаоли Фахриддин Тиллаевнинг «жинояти иши» 20 сентябрь куни, кечки соат 17:00да Чилонзор туман жиноий судида кўриб чиқилди.

Суд айбланувчи Ф.Тиллаев устидан Республика «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекснинг бир неча моддаси бўйича, жумладан, «Майда безорилик», «Тухмат», «Интернетда нотўғри фактларга асосланган мақолалар эълон қилиш» айбларини кўйган ва 15 суткага озодликдан маҳрум этган. Ф.Тиллаевга қарши Ўзбекистон ҳукумати томонидан бир неча бор таҳдидлар бўлиб келган. Шу йилнинг 23 август куни унинг Тошкентдаги квартирасига бегона аёл яланғоч ҳолда бостириб кирган ва Тиллаевни зўрлаганликда айблаб шикоят қилган эди. Тиллаев ушбу воқеадан кейин, шу заҳоти маҳалла кўмитаси ва профилактика номирига мурожаат этган. Аммо маҳалла кўмитасидагилар Тиллаевнинг мурожаатига лоқайдлик билан муносабат билдиришган.

9 сентябрь куни соат 16-00да Фахриддин Тиллаевни Чилонзор тумани ИИБ ходими майор Илҳом Остонакулов ва ИИБнинг яна бир вакили «Чилонзор тумани Жиноий ишлар бўйича суди»га бориши ҳақида хабар бериш учун келганлар. ИИБ ходими «2013 йилнинг 23 август куни бўлиб ўтган воқеа юзасидан жабрланувчи Юлия Лыкованинг шикоят аризаси бор» деб айтган.

Шунда Ф.Тиллаев «шикоят аризаси бўлса, беринг, кўриб чиқай ва ўзимни тушунтириш хатимни сизга ёздириб қолай» деганда, ИИБ ходими И.Остонакулов «судда кўрасиз ва танишиб чиқасиз» деб айтган...

- Интернетда бу хабарни ўқиб, воқеани охиригача тушунмадим. Мен судда қатнашиш учун 17 сентябрда маҳкамага боргандим, аммо у куни бошқа судланувчилар кўп бўлгани сабабли, Ф.Тиллаевнинг иши бошқа кунга кўчирилганди, дейди Абдилло Тожибой ўғли. 20 сентябрь куни ўтган маҳкамада қатнашган Абдилло Тожибой ўғлининг билдиришича, рус аёли Фахриддиннинг уйига бостириб кириб, провокация қилган. «Аммо бугунгача қўлимизда суд қарори йўқ», дейди у. Фахриддиннинг тўртта телефонида ҳеч бири жавоб бермапти.

Эслатиб ўтамай, Фахриддин Тиллаев, «Эрк» партиясидаги фаолиятдан ташқари, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати фаоли, «Озод фуқаро» ҳуқуқ ҳимоя ташкилоти раиси ҳамдир ва Ўзбекистонда мустақил мардикорлар қасаба уюшмасини тузишда фаол иштирок этган.

ЎХХ хабар маркази



Пахтани кимлар етиштиради-ю, кимлар теради-ю, унинг хузури кимлар кўради? Бу янги давр бошқотирмаси деб ўйлаётган бўлсангиз, албатта адашасиз. Ўзбекнинг пахтаси унинг ўз мулки бўлмай қолгани қачонлар эди. Илгариги даврларда Советлар ўзбек пахтасига эгалик қилган бўлса,

мустикалликдан олдин ва унинг дастлабки йилларида умид қилган Ғарб дунёси ўзбекистонликларни қаттол бир диктатор олдида яккама-якка қолдирди. Қолдирди ҳам эмас, Ғарб дунёси ҳаттоки Ватанимиздаги бу диктатор режимини қўллаб-қувватлаб ҳам келмоқда. Айниқса АҚШ! Шундан келиб айтадиган бўлсак, ўзбекистонликларнинг умидлари ҳам ўлди, орзулари ҳам сароб бўлди. Ва аксинча, ўз элига зуғум қилаётган ҳукуматнинг омади чопганидан чопди.

Мамлакат юз фоизга коррупциялашгани бугун сир эмас. Коррупция ботқоқига ботиб кетган Ўзбекистон учун ҳар нарса бўлсин, даромад манбаи бўла олади. Ҳар йили бир келадиган “Оқ олтин” хирмонини уюш даври ҳам кимларнингдир жонига оро кира-

бур этишади. Одатда юкоридан шундай буйруқ келади. Биздаги тартиблар шундай бўлган, ҳозир ҳам шундай ва афсуски, келажакда ҳам шундай бўлиб қоладиганга ўхшаб турибди.

“Ҳозирда бизда мактаб болаларини пахта далаларига ҳайдамай қўйишган, ҳаттоки ота-оналар ўз болаларининг пахта даласига чиқмасликларини кафолатлаб тилхат ҳам ёзиб беришмоқда. Лекин ўқитувчилар навбат билан бориб пахта теришмоқда”, дейди Сурхондарёлик бир аёл. Унинг таъкидлашича, пахта теримида болалар меҳнатидан фойдаланишга чеклов қўйилган. Бироқ воқеаларнинг боришини кузатаётган ҳар инсон борки, одамларни мажбурий меҳнатга жалб этиш тўхтаганини, ёшлар орасида пахтазорда ўлим ҳолатлари учраёт-

БИРГИНА “ЭЙ!” САБАБ БЕРИЛАЁТГАН ҚУРБОНЛАР

Бу қурбонлар Ўзбекистон келажаги ва фаровонлиги учун эмас, балки президентнинг қизлари ва набиралари Ғарбда йирик қасрлар сотиб олиши, уларнинг бамайлихотир ҳаёт кечирishi учун берилаяпти

мустикаллик йилларига келиб, ахвол бутунлай ўзгарди. Энди ўзбек пахтасининг эгаси Советлар эмас, балки ўша давр номенклатурасидан қолиб кетган бир оила бўлиб олди. Бу оила ҳақида батафсил тўхталиб ўтишга зарурат бўлмаса керак. Куз фасли – бу бутун Ўзбекистон мана шу оиланинг бахтуикболи учун пахтазорларга сафарбар қилинадиган фасл ҳамдир ва унда кимлар ўлади, кимлар қолади – бунинг умуман аҳамияти йўқ!

Тагин яқин ўтмишимиз бўлган Совет даврини хотирлайлик. Пахтани “Оқ олтин”, пахтакорни “Бобо дехқон” деб алқасалар, уларга аталган тагин шундай бир дунё ширин-шакар сўзлар ҳам бўларди. Мана шу ширин сўз учун “Бобо дехқон” тинмай меҳнат қиларди. Тагин пахта терими даври “меҳнат fronti” деб ҳам аталарди ва табиийки, бу фронтда кимлардир ўларди — яъни қурбон берилди.

Ўзбекистон истиқлоли йилларида ҳам пахта учун қурбон берилётганлар сони камаймаган бўлса-да, ҳар қалай, пахтазорни “меҳнат fronti” дегувчилар учрамай қолди. Балки шуниси-га ҳам шукр қилишимиз керакдир(?). Ҳар неки, шукр қилсак ҳам, қилмасак ҳам “меҳнат fronti” ҳали ҳам ўша суронли даврлар суръатини, мақомини йўқотгани йўқ.

Бу йилги пахта терими мавсуми бошланиши биланок, унда аллақачон уч нафар одамнинг ўлганлиги қайд этилди. Булар албатта кўпчиликка ошқор бўлганлари, ҳали ошқор бўлмаган қурбонлар ҳам бўлса керак албатта.

Инсоният “Интернет” деб аталадиган янги бир оламни кашф этибди-ки, дунё ҳамма учун “бир кадам” бўлиб қолганлиги ҳам вазиятни юмшата олмаяпти. Ўзбеклар

диган фасл бўла олади. Ахир бугунги кунларда Ўзбекистонда боласини пахтадан олиб қолиш учун пора кўтариб юрганлар ҳам оз эмас.

Шу кунларда Ватанимиздан келаятган хабарларга аҳамият қаратсак, элнинг бошига тушган бу кўргуликдан ҳам чўнтагини қаппайтирмакчи бўлаётганлар оз эмас экан. Пахта теримидан қолиш нархи коллеж ўқувчилари учун 100 доллар бўлса, Олий ўқув юртлари талабалари учун 200-300 долларни ташкил этапти. “Нима учун улар бундай йўл тутишмоқда?” деган савол туғилади. Жавоб эса бу: “пахтанинг меҳнати қийин ва уни теришдан қолган яхшироқдир”.

Ёки, дейлик, кимлардир ўзининг ўрнига мардикорларни ёллаб далага чиқараётган фактлари ҳам учраяпти. Тагин ўша ахвол: кимлардир пахта теримидан қолиш учун пул тўлашга ҳам рози. Аммо ўша “кимлардир” пахта теримига бормаса-да, ўз иш ўрнида қолиб 8 соат ишлайди. Яъни, у бир мардикорни давлатимизнинг пахтасини териб бериши учун ёллаяпти.

Айни мана шу даврда мавсумий иш шартномаларини тузиш жорий этилса ва ишсизлар пахта теримига жалб этилса, бу қонуний ва инсонпарвар ҳаракат ҳам бўларди. Лекин негадир ҳукуматимиз бундай йўл тутишни истамайди. “Негадир” деймиз-у, лекин ўша “нега?”нинг жавобини биламиз. Чунки мажбурий меҳнатга пул тўланмайди ва ишчи-хизматчилар, ҳамда талабалар шунчаки, текинга ишлаб беришади.

Ҳа азизлар, бизнинг Ўзбекистонда ва ўзбекларимизда айнан шундай. Ваҳоланки, ўша пахта сабаб бирор-тамининг косамиз ҳам оқармайди, аммо уни йиғиб олишга бизни маж-

ганини билиб турибди. “Ўзбекистон ичкарасида матбуот эркин эмас ва шунинг учун ҳам биз билмай қолаётган ҳодисалар бўлса керак”, дея қўшимча қилади ўлим ҳолатларини билмай қолган аёл.

Ўзбекистонда болалар меҳнатига таъқиқ қўйилиши учун кўплаб журналистлар ва инсон ҳақлари курашчиларининг меҳнати сингди. Бунда муҳолиф сиёсатчилар ҳам қатта фаоллик кўрсатди. Бироқ, болалар меҳнати таъқиқлангани билан, уларнинг меҳнатларидан фойдаланиш ҳали буткул тўхтаб қолгани ҳам йўқ!

Ўзбекистон болалари меҳнати нафақат пахта далаларида, ҳаттоки шаҳарларни ободонлаштириш ишларида ҳам аёвсиз эксплуатация қилинади. Бу каби амалларни одатда “шанбалик” деб аталади.

Қизиқ, ҳукуматимиз Совет Иттифоқидан буткул қутулдик деса-да, у даврнинг анчагина одатларини ўзида сақлаб қолган.

Масалан, шанба куни бўлмаган кезде ҳам “шанбалик” уюштириб қолишлар, одамларни қишлоқ хўжалигида мажбурий ишлатишлар, шикоятбозликлар шулар жумласидандир. Ўзбекистонда одамларни меҳнатга мажбурий жалб этиш қонунлар билан ҳам чекланади. Аммо бу қонунларга амал қилмайди.

Масалан, Ўзбекистон “Меҳнат кодекси” 7-моддасида қуйидаги жумлалар битилган: “Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш таъқиқланади.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Куйидаги ишлар, яъни: ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида; фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда; суднинг қонуний қучга кирган ҳукмига биноан; қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди”.

Демак, Ўзбекистонда одамларни, ҳаттоки ёш болаларни мажбуран пахта теримига жалб этиш ноқонуний

БИРГИНА “ЭЙ!” САБАБ БЕРИЛАЁТГАН ҚУРБОНЛАР

ҳисобланади. Уларни теримга юбориш учун қонунга кўра теримчилар ҳарбий ёки муқобил хизматни ўтаётганлар бўлишлари керак экан.

Ёки, пахта терими даври Ўзбекистонда “фавқулодда ҳолат” деб билиниши зарур. Жуда бўлмаганда эса, суд қарори билан бутун Ўзбекистон пахтазорларга сафарбар қилиниши керак. Қонунан айти шундай бўлиши керак, лекин Ўзбекистонда бу “меҳнат fronti” да кимлардир жонини беришга ҳам мажбур бўлапти.

Шу йилнинг 9 сентябр куни Қарши шаҳридаги Ҳилол агросаноат коллежининг 2-босқич талабаси, 1996 йили Қарши туман Сарой кишлоғида туғилган Мухлиса Ўрол қизи Ражабова пахта даласида ток уриш оқибатида ҳаётдан кўз юмди. 15 сентябр куни Бухоро вилоятининг Вобкент туманида онаси билан теримга чиққан 1-синф ўқувчиси, яъни 7 яшар бола пахта ортилган прицепда ухлаб қолган ва шом қоронғусида унинг устига пахта ортилган. Нагижада пахта тагида қолиб кетган болакай бўғилиб ўлган.

Яна бир ҳолат. 16 сентябрь куни Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида содир бўлди. Бунда Қарши ДУ Тарих факультети миллий ғоя йўналишининг 2-курс талабаларидан бири шу факультет 4-курс талабаларидан 4 нафарини пахта даласида пичоклаб қўйди. Пичокланганлардан бири Омонов Козим воқеа жойида вафот этди.

Бунақанги қурбон беришлар ҳар йили ўнлаб содир бўлмоқда. Аммо давлатимиз бу берилган қурбонларнинг қанчаллигини ҳам қилиб бермаяпти. Халқ эса бошини қовуштириб ўз ҳуқуқларини талаб қилишга ҳам ярамайди. Агар эл мажбурий меҳнатга чиқмаслик ҳаракатини қилганида борми, унда бунақанги қурбон беришлар ҳам тугаб битган бўларди ва ҳукумат ҳам элнинг талабларини инобатга олишга мажбур бўларди.

Масалан, қурбон берилган ёш йигитлардан бири Козим Омонов Қарши шаҳридаги кўзга кўринган бойбадавлат оилалардан бирининг фарзанди эди. Бундоқ олганда, егани олдида,

емагани ортида бўлганлардан. У пахта теримида куйи курс талабасини ўзи учун пахта тердиришга мажбурлайман, деб ўлим топди. Тасаввур этинг-а, агар улар теримга чиқарилмаганида Омонов Козим ҳозир тирик бўларди ва унинг ўлимига сабабчи бўлган бошқа бир талаба ҳам милиция терговхонасида қийноққа тутилмаётган бўларди.

Нега энди қийноқ дерсиз? Гап шундаки, пахтада нобуд бўлган Козим Омоновнинг бобоси Қашқадарё вилоят Ички ишлар бошқармасида узоқ

вақт меҳнат қилиб истеъфога кетганлардан. Шунинг учун ҳам “мажбурий меҳнатда” мажбуран қотилга айланган талабанинг ҳозирги аҳолини тасаввур қилиб кўраверинг.

Ким айбдор? Асосий айбдор аслида ҳукуматимиз ва унинг раҳбари эканлигини ҳамма ҳам очикчасига тан ололмайди. Билингики, бу қурбонлар Ўзбекистон келажаги, бойлиги ва фаровонлиги учун эмас, балки президентимизнинг қизлари ва унинг набиралари Фарб мамлакатларида йирик қасрларни сотиб олишлари учун, уларнинг бамайлихотир ҳаёт кечиришлари учун берилаяпти. Қаршилик талабанинг онаси Қаршидаги 2-Академик лицей ўқитувчисига ҳужжатларни олганлиги ҳақида тилхат ёзиб бераяпти.

Қуни кеча Қарши шаҳридан олинган яна бир хабар, Қаршидаги 2-Академик лицей ўқитувчилари пахтага чиқмаган талабаларнинг уйларига бориб уларнинг ҳужжатларини қайтариб бераётганлари бўлди. Ўзбекистондаги ўқув дастурларига пахта терими киритилмаган ва таълим масканлари, хоҳ у олий бўлсин, хоҳ ўрта махсус – талабани пахта теримида иштирок этмаганлиги учун ўқишдан ҳайдашга ҳақли эмас! Бироқ нега талабаларга зуғум ўтказилади?

Ҳаммасига ўзбекка одат бўлиб қолган “Эй..!” сабабчидир. Гап шундаки, ўзбекларимиз бирор масала устида бош қотиришни ҳам, муаммони бартараф этишни исташмайди ва “Эй, қўй шуни!” дедими, тамом-васалом! Шунинг учун ҳам ҳукуматдаги текинхўрларнинг ошиғи олчи! Бу билан эса ўзбек пахтаси қурбонлари сони ортиб бораверади. Биргина “Эй!” сабаб, аллақачон уч жон қурбон бўлди, яна қанчаси жароҳат олди, ҳали олдинда тагин янгидан янги қурбон беришлар турибди. Қани энди олий ҳақиқат?

Инсонлар одатда ҳақиқат йўқ деб қичқиришга одатланишган. Агар ўша ҳақиқат ва адолат учун кураш бошлаб қолсалар борми, унда ҳақиқатнинг ўзи улардан узилмай қолган бўларди. Буни тушуниш учун яна неча қовун пишиғи зарур экан?

Тўлқин Қораев

ТОШКЕНТ ТАДБИРКОРЛАРИ 3 000 000 СУМ БЕРИШГА МАЖБУРЛАНЯПТИ



Ўз ишчиларини пахта теришга чиқармаган Тошкент тадбиркорлари 3 миллион сўмдан пул беришга мажбур қилиняпти. Гўёки улар пахта терувчиларга озиқ овқат учун пул йиғишяпти.

Тадбиркорлар ва директорлар билан 3 миллион сўмга шартнома тузиш туман ва ёки шаҳар ҳокимиятлари вакиллари ва маҳаллий прокуратура ходими билан бирга амалга ошириляпти.

Озиқ-овқатни “сотувчи” Mega Super Food директори О. З. Ортиқов билан тузилган шартномага биноан, “сотиб олувчи” 5 иш куни мобайнида Тошкент шаҳар, ХЕАТ «Давр банк» Яккасарой филиалига МФ001069, Mega Super Food МЧЖнинг ҳисоб рақами № 20208000900240375001га 3 миллион сўмни ўтказишлари керак.

Теримчиларга Mega Super Food МЧЖи томонидан озиқ-овқат олиб келинмаганлиги барчага маълум.

Уларга ажратилган пулдан ишсиз теримчиларга пул тўланыпти дейиляпти, лекин бу фақат ёзувда. Аслида эса, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланаётган тадбиркорлардан пул ундириш Ўзбекистонда одатга айланган.

Ундан тушган пуллар эса, кимни қиссасига тушаётгани номаълум.

ЎХХ хабар маркази

ЖУРНАЛИСТ СЕРГЕЙ НАУМОВ ҚЎЛГА ОЛИНДИ



1963 йили Ўзбекистонда туғилган, мустақил журналист С. Наумов 21 сентябрь куни милиция ходимлари томонидан қўлга олинган, деб ёзади Фарғона.ру сайти.

Бу ҳақда Наумовнинг ўзи кечкурун соат олтидан ўтганида бировнинг телефони орқали милиция томонидан қўлга олинганини Тошкентаги ҳамкасбларига шошилиб маълум қилди ҳамда агар кечгача алоқага чиқмаса, чора кўришларини сўради.

Журналист бир соат ўтиб яна бировнинг телефонида кўнғирок қилди, аммо гапира олмади: телефон гўшагидан фақат

ўзбек тилидаги гурунлар, эркак кишининг кулиши ва бошқа шовқин товушлари эшитилди ва бир неча дақиқадан сўнг алоқа яна узилиб қолди. Кўринишидан, журналист дўстларига шу йўл билан нималар содир бўлаётганини билдирмоқчи бўлган.

Қонун бўйича шахсни аниқлашга кетадиган вақт мuddати тугади, аммо ҳеч қандай ҳуқуқий меъёрларни бузмаган журналистни ҳозирча чиқаришгани йўқ.

Наумов “Фарғона.ру” халқаро ахборот агентлиги, Уруш ва тинчликни ёритув Институтини, “Экологик хавфсизлик ва фуқаролик ташаббуси” ва “Полит-журнал” матбуот ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб келар эди.

С. Наумовнинг дўстлари барча ИИБларидан излашган, МХХ ва прокуратураларга кўнғирок қилишган, лекин уни топа олишмаган. Тахмин қилинишича, Наумовни пахта кампаниясини мониторинг қилаётган вақтда ушлашган ва уни айбдор қилиш мақсадини кўзлашган. Таниқли журналистнинг касбдошлари уни қонун олдида айбдор эмаслигини таъкидлашди ва Халқаро ташкилотлардан унинг тақдирига бефарқ бўлмасликни талаб қилишмоқда.

Наумов билан алоқа 22 сентябрь, кеч соат 19:00лар чамасида узилган. У аввалида маҳаллий милиция бўлимида эканлигини айтган. Лекин ушлаб турилганлигининг сабабини кўрсатган эмас.

Таъкидлаб ўтиш жоиз, деб ёзади Фарғона.ру, Ўзбекистон ҳукумати жабрланувчи ва гувоҳларни ёлгон маълумот беришга мажбур қилади. Бу ҳам бўлса, сиёсий муҳолифатчилар, журналистлар ва ҳуқуқ ҳимоячиларига босим ўтказиш мақсадида. Журналист Солижон Абдурахманов, Дилмурод Саидов ва яна бир қатор фаолларни бунга мисол қилиш мумкин.

С. Наумов атрофидаги аҳвол унинг касбдошлари ва Халқаро ташкилотлар вакилларида жиддий хавотир уйғотмоқда. Наумов ҳимояси учун биринчи мақолани тарқатган “Марказий Осиёда Инсон ҳуқуқлари” Ассоциацияси барча Халқаро ташкилотлардан, журналистлардан С. Наумов тақдирига бефарқ қарамасликни ва тез орада уни озодликка чиқишида ёрдам кўрсатишларини ўтганини сўрайди.

“Фарғона.ру” ҳам Наумов тақдирига қайғурмоқда ва у ҳақда бирор маълумотга эга шахслардан dan@kisllov.ru мантилига, агентликнинг бош муҳаррири Даниил Кисловга хабар беришларини сўрайди.

ЎХХ хабар маркази.

ЭРКИНЛИКДАГИ ЭРКСИЗ ХАЛҚ...

Сўнгги пайтларда Ўзбекистонда журналистика тўртинчи ҳокимият сифатида кўп эътироф этилмоқда. Аммо, мазкур соҳа амалда ҳам “тўртинчи ҳокимият” мақомидими? Ёки бу мақомни оқлай оладими? Шу ва шунга ўхшаш жўн саволларга қисқача мулоҳазаларимни эътиборингизга тақдим этсам. Аввало, фикримизни яқин ўтмишдан, аниқроғи мустақиллик давридан бошласак. Ўзбекистон мустақилликка эришгач (аслида мустақиллик дейиш мантиқан хато) журналистик фаолият билан боғлиқ учта асосий қонун қабул қилган. Аммо вақт қонунлар қабул қилинишига етарли эмаслигини исботлаб берди. Шу ўринда инглиз судьяларидан бирининг қуйидаги гапи ёдимга тушиб кетди: “Қонун- бу жонсиз ҳужжат ҳолос, унга руҳ ва маънони талқин қилувчи беради”. Бу гапни бугунги кунда нечоғли аҳамиятли эканлигини Каримов режими ҳақиқий журналистларни қамаш, сургун қилиш орқали исботлади. Баъзан радио, телевидение орқали халқ оmmasини саводхонлик даражасини ошириш муаммолари ҳақида гапирилади, унда ОАВларининг аҳамияти таъкидланади.

Ҳақиқатан ҳам сиёсий билимларни ошириш тарғиботи матбуот орқали амалга оширилиши қулай, бунинг имкони ҳам катта. Лекин шу ўринда туғиладиган саволнинг жавоби ғалати мулоҳазаларни келтириб чиқаради. Энг муҳим амалиёт журналистларнинг сиёсий саводхонлиги даражасини эътибордан қочирмаслик даркор. Каримов режими эса журналистларни сиёсатдан узоқлаштирди, уларни бошқа бир майда, аҳамиятсиз мавзулар

билан машғул бўлишга мажбурлади.

Мана, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бери қайси телевидение ёки радио орқали сиёсий мавзуда баҳсли кўрсатувлар тайёрлади? Фақат яқиндагина “Араб баҳори” бошлангандан сўнг, талва-сага тушган режим ўзини номустақил сиёсатчи каби мамлакат каналига чиқариб, гўё сиёсий дебат ўтқазди. Бу билан яна оми халқни алдашга уринди. Нега номустақил сиёсатчи деган иборани қўлладим, сабаби режим ичида мустақил фикрга эга сиёсатчининг ўзи йўқ, бўлса ҳам у Каримовнинг ўзи. Нега бу қадар ишонч билан гапираётганимга ҳайрон бўлманг, кичкинагина тажрибамдан хулоса қилиб айтаманки, агар мустақил сиёсатчи бўлганда сиёсий бўҳронларни бу тақлидда танқид қилмас эди. Танқидга зўр бериш ҳолисликни унуттишга олиб келади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар қандай соҳа жамиятнинг узвий бир қисми ҳисобланади. Жамият микросидаги муаммо соҳада, соҳадаги муаммо жамият ҳаётида акс этади. Энди халқимизни сиёсий ва ҳуқуқий билими чидаб бўлмас даражада паст бўлишига фақат ОАВ ёки журналистларни балоғардон қилиш ярамайди. Ҳар ким ҳам ишидан. Оиласидан, мавқеидан айрилмаслик учун режим билан ҳамкорлик қилади. Агар сиз Ўзбекистон ОАВлари бераётган янгиликларга назар солсангиз, гўёки худди йилдан йилга Ўзбекистонда эркинлик юксалиб бораётгандек туюлади.

Аслидачи?! Чиндан ҳам биз эркинликми? Ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон Ҳукумати биз, яъни оддий халқ учун

қайғуряптими? Йўқ асло! Бизни ташқи қобигимизгина ўзгарди, ички дунёимиз ёшлигимизда тарбиялаш асносида сингдирилган дастур асносида ишлаб келмоқда. Шу боисдан ҳам биз Эркинликдаги Эркисиз Халқимиз!

Мен қуйидаги жумлам учун узр сўрайман, ўзбек халқи, умуман Ўрта Осиё халқларининг фарзанд тарбиялаш механизми, жамиятдаги ахлоқ нормаларини умуман ёқламайман. Кишиларимиз онгига чуқур ўрнашиб олган “бун қилиш керак, бун эса мутлақо йўқ”, қабилидаги ахлоқ қоидалари ҳукмдор қатлам томонидан ишлаб чиқилган бошқарув механизмининг таркибий қисми. Бу ахлоқ қоидаларини биз фарзандимизга тарбия бериш асносида сингдириб борамиз ва жамиятга дастурланган ҳолатда “маҳсулот” етказиб берамиз. Ўзбекистонда шунинг учун ҳам муҳолифат кишилари кам. Сиёсий муҳолифатниқу қўятуринг, фикрий муҳолиф, ўз нуктаи назарини сабот билан ҳимоя қилиш суст. Чунки ота-онамиз айтганда бизга: “Ўғлим, қизим катта гапирдимни хўп де! Тортишиб ўтирма!”. Мана сизга муаммо. Улар айтишмаганки: “Агар нотўғри гапирса бу нотўғри дегин, ўз ҳаққингни талаб қил, катталарни хурмат қил, лекин катталарни ичида ҳам аҳмоқлари бор, уларга кулоқ солма”...

Энди сиёсий муҳолиф олдида турган вазифа, аввало ўз фарзандларига мана шундай дастурлаш тизимини жорий этмаслик, қолаверса ёш муҳолиф вакилларимизни дастурлаш тизимидан халос бўлишларига ёрдам кўрсатиши даркор.

(давоми бор) **Маҳмуд Довуд**



Низомий номидаги Тошкент давлат педогогика университети биносида 26 сентябр куни соат 14 да машхур ўзбек шоири Рауф Парфининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилиши режаланган “Шоирни қўйлаган Ҳазрати Инсон” деб номланган адабий кеча қолдирилди.

ТОШКЕНТДА ШОИР РАУФ ПАРФИГА БАҒИШЛАНГАН БАРЧА ТАДБИРЛАР ТЎХТАТИЛДИ

Машхур ўзбек шоири Рауф Парфининг 70 йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳрида 25, 26, 27 сентябрь кунлари ўтказилиши лозим бўлган барча тадбирлар қолдирилди. Расмийлар бу тадбирлар нима сабабдан қолдирилганини изоҳламапти

Бу учрашувга таклифнома олган шоир ва ёзувчилар университетга боргандан сўнггина тадбир қолдирилганидан хабар топдилар.

Ёзувчи Эркин Аъзам бу тадбирнинг нима сабабдан қолдирилганини билмаслигини айтади:

- Менга ҳам бир йигит таклифнома олиб бориб берганди. Кеча телефон килди. Ака кеча қолдирилди, деб. Сабабини билолмадик, деди ёзувчи Эркин Аъзам.

Низомий номидаги Тошкент давлат педогогика университети маънавият бўлими мулозими ҳам учрашув номаълум муддатга қолдирилганини айтар экан, бунинг сабабини Озодликка изоҳламади. Бир кун олдин, 25 сентябрь куни Навоий номили Миллий кутубхонада ўтказилиши лозим бўлган Рауф Парфи ҳаёт ва ижодига бағишланган тадбир ҳам қолдирилган эди.

Навоий кутубхонасининг Маълумотнома, ахборот хизматлари кўрсатиш раҳбари Қундузой Нуримова Озодлик билан суҳбатда тадбирнинг икки сабабга кўра қолдирилганини айтди:

- Биринчи сабаби, бизда ҳаво берадиган ускуналаримиз бир-икки кун ишламай қолди. Залимизда ҳаво дим бўлиб икки соатлик тадбир ўтказишга имконият бўлмади. Иккинчи сабаби эса, шу куни кутубхона барча раҳбарлари кўргазмага кетган эди. Ҳозирча бу тадбир номаълум муддатга қолдирилди, деди Қундузой Нуримова. Рауф Парфининг 70 йиллик юбилейига бағишланган тадбирларни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташкил қилган.

Озодлик нима сабабдан бу тадбирлар ўтказилмай қолганига ихзоҳ олиш мақсадида уюшма билан боғланди. Телефон гўшагини кўтарган котиба қиз уюшма раиси Муҳаммад Али йўқлиги боис, бу саволимизга уюшма коти-

би Уйғун Рўзиевдан жавоб олишимиз мумкинлигини айтди. Уйғун Рўзиев эса Озодликнинг Рауф Парфи юбилейига бағишланган тадбирлар нима сабабдан бекор қилингани ҳақидаги саволимизни тинглагандан сўнг, бирданига бизни гўё “эшитмай” қолди ва алоқани узди. У билан қайта боғланишнинг имкони бўлмади. Рауф Парфининг турмуш ўртоғи бўлган шоира Дилором Исҳоқовага кўра, 27 сентябрь куни Рауф Парфи ҳақида бериладиган ош ҳам, пахта мавсуми баҳонасида бекор қилинган.

Шоира расмийларнинг ўзбек дардини қўйлаган шоирига бундай хурматсизлигидан қаттиқ хафа бўлганини айтади:

- Буларнинг ҳаммаси жуда қизик бўлди. Рауф аканинг 70 йиллигига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси яхши

тайёргарлик кўрди. Лекин мана кеча Навоий кутубхонасида бекор қилинди. Бугун Низомийдаги адабий кеча ҳам. Рауф аканинг янги сайланмаси тақдими ҳам қолдирилди. Эртага ош бериш ҳам бекор қилинди, деб ҳозир хабар беришди. Албатта, бунинг ҳаммаси Рауф ака шеъриятига, ўзбекининг улуғ шоирига ҳурматсизлик бўлди, деди Дилором Исҳоқова. Овозини ёзиб олмаслик шарти билан Озодликка гапирган ўзбек шоирларидан бири бу тадбирларни қолдириш ҳақидаги буйруқ президент девонидан тушганини айтади:

- Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Рауф Парфи юбилейини нишонлаш ҳақида тадбирлар, худойи оши ташкил қилганини эшитиб ва ниҳоят шоиримиз кадрланадиган бўлибди, деб хурсанд бўлган эдик. Лекин кечадан буён ҳамма ёзувчи ва шоирларнинг ҳафсаласи яна пир бўлди. Мен олган ишончли маълумотга кўра, девондан ҳамма тадбирларнинг йиғиштир деган оғзаки кўрсатма бўлган экан. Майли, Рауф Парфи шундай ҳам халқ шоири, ўзбеклар севадиган ҳақпараст шоир. Бу тадбирларсиз ҳам халқ Рауф Парфини яхши кўраверади, деди ўзбекистонлик шоирлардан бири.

Ўтган асрада шоир Рауф Парфи билан бирга ижод қилган шоир Муҳаммад Солиҳ расмий Тошкентнинг шоирни камситишидан ҳайратланмаганини айтади:

-Рауф Парфи ҳеч қачон режим одами бўлмаган, ҳато режим муҳолифати бўлган дейиш ҳам мумкин. Режим ҳам бунинг муайян қасосини оляпти дейиш мумкин дейди, ўтган асрада шоир Рауф Парфи билан ҳамнафас ижод қилган шоир Муҳаммад Солиҳ Озодлик билан суҳбатда.

ozodlik.org

ҚУЛЛИКДАГИ ТИНЧЛИК АЛДАБ ҚУЙМАСИН!

*Мисрда қулликда юрган даврида,
Тинчликни севарди Бани Исроил
Ортиқча ғам ташвиши*

*йўқ эди унда,
Бандилик ҳаётга у эди қойил.*

*Барчаси қул эди
бутун бир халқнинг
Шижоат ғурурдан*

*йўқ эди нишон.
Бир бурда нон учун эркини сотиб,
Қадрини йўқотди*

мукаррам инсон.

*Ҳазрати Мусони юбориб Эгам,
Кетиши йўлин берди*

буюк Мисрдан.

*Қуллардан узилди
темир кишанлар,*

*Лек қалблари
қолди – занжирбанд кишан*

*Очлик, ташиналикка
чидамай улар,*

*Ҳазрати Мусога
қилдилар дашином.*

*«Бундай эркин ҳаёт
бизга керакмас,*

*Бандилик ҳаётда
олардик инъом».*

*Қулликда тинчликни
севган Исроил,*

*Минг йиллар дарбадар
бўлди дунёда.*

*Бир тан – бир жон бўлиб,
курашиб улар,*

*Барча миллатлардан бугун зиёда.
Ўзлигинг, қадрингни*

*билиб олишга,
Наҳотки минг йиллар
керак сенга ҳам.*

*Қурашдан қайтмади
Бани Исроил,*

*Миллионлаб қурбонлар
берган бўлса ҳам.*

*Манқурт фарзандларинг
чор атрофингда,*

*Този итдай хизмат
қилар зolimга.*

*Андижонда отиб она халқини,
Томошабин улар бугун ҳолинга.*

*Бирлашгин сен
бугун эркинг йўлида*

*Тарих саҳнасида
ўчмасдан бурун.*

*Қурашни истамай
миллионлаб халқинг,*

*Дунёга тарқалиб
қўчмасдан бурун.*

*Қўзингни оч халқим, уйқудан уйғон,
Қулликдаги тинчлик*

*алдаб қўймасдан.
Бир тан – бир жон бўлиб*

*эрк учун кураш,
Бу зolim яккалал ютиб бўлмасдан.*

Муҳаммад Нуруллоҳ



«КАТТАНИНГ ҚИЗИ» ҲАММАНИНГ ЖОНИГА ТЕГДИ

Фарғона водийсида яшовчи бир ўртоғимиздан келган хабар диққатимни тортди. Унга кўра, Марғилон шаҳри кўчасида кетаётган бир маршрутқа хайдовчиси, йўловчилар учун Гулнора Қаримованинг бир қўшиғини кўйган. Йўловчилар аввалига эшитиб кетишган. Сўнгра улардан бири “Ким бу?” деганида, хайдовчи “Каттани кизи” деган.

“Аввалига йўловчилар индамай қолишган. Кейин эса бир киши овозини кўтариб “Гулнорахон жуда зўр айтади-да!” деган. Шундан сўнг, йўловчилар бири-бирига гал бермасдан Гулнорани мактаб кетишган. Фақатгина орқа ўриндикда ўтирган бир йигит бошқалар гапириб бўлгач, “Бу канжикка ким кўйибди ашула айтишни?! Ўзбекистонни еб битириб, яна ашуласиниям тикиштиряпти. Хой ака, бошқасини кўйинг, йўқотинг бу ж... ни!” деган.

Йўловчилар йигитга хайрон бўлиб кўрка-писа қарашган ва Гулнора хақида бошқа гапиришмаган. Хайдовчи Ҳам

дарров музикани ўчирган.

Фарғона водийсида Гулнора Қаримованинг қўшиқларини эшитиш урф бўлаётгани хақида яқинда эшитгандим.

“Ҳаммаёқда Гулнорани расмлари, кўшиқлари. Уйга кирсангиз, ТВда уни кўрасиз, радиода уни эшитасиз, кўчага чиқиб, таксига ёки маршрутқага ўтирсангиз ҳам Гулнорани варанглатаётган бўлишди”, дейди андижонлик Ҳаёт исмли йигит.

Одамлар Гулноранинг қўшиқларини ўз ихтиёри билан эшитишяптими? деб сўрадик фарғоналик бир танишимиздан.

“Мана шу нарса анча тушунарсиз. Баъзи йигитлар ўз машинасида фақат Гулнорани кўшиғини баланд қилиб, намойишкорона кўйиб олишади. Баъзилари хаттоки, салон ичига монитор кўйиб, унда фақат Гугушанинг клипларини кўйиб олишади. Қизиғи шундаки, президент кизининг қўшиқлари уларнинг ўзларига ҳам ёқмагани билиниб туради. Буни нимаси ёқди сенга? десангиз, жавоб беришмайди” дейди фарғоналик Маъсумжон.

Андижондаги тўйхоналардан бирида ишлайдиган танишимизнинг айтишича, баъзи келин-куёвлар Гулноранинг “Небо молчит” кўшиғига вальс тушишяпти.

“Гулноранинг кўшиғига келин-куёвнинг рақс тушганларини тўртта тўйда кўрдим. Бу тўйларнинг эгалари ҳаммаси савдо ишларини йўлга кўйган, топарман-тутарман оилалардан. Кечаги тўйда ҳам, масалан, ёшлар Гулноранинг қанақадир инглизча рақсбоб ашуласига роса ирғишлашди. Тўғриси,

ғаши келган одамлар ҳам бўлди бундан. “Ўзимизникилардан бўлсин!” деб бақирганларни ҳам кўрдим” дейди андижонлик Махфузахон исмли аёл.

Яна-да ажабланарлиси, тўйда Гулноранинг биронта қўшиғи янграшидан олдин, бошловчи албатта “Энди эътиборингизга машхур хонанда ва бастакор, дизайнер ва дипломат, умуман буюк инсон ва маликамиз Гулнорахоннинг ажойиб таронасини тақдим этамиз!” дея тантанали эълон қилади.

Водийда иш олиб боровчи радиолар ва барча хусусий ТВ каналларда ҳам

сўнги ярим йил мобайнида Гулнора Қаримованинг “ижоди ва фаолияти” кенг ёритилаяпти.

Бу соҳада хизмат қилаётган танишларимиз эса, бу борадаги кўрсатма юқоридан келганини айтишмоқда.

“Юқоридаги қайси қаватдан? Ўша қаватдаги нечинчи хонадан?” деган кинояли саволимиз эса жавобсиз қоляпти.

Дунё таниган золимларнинг “энг машғум ўнталиги” сафида турган Ўзбекистоннинг конхўр диктатори Ислон Қаримовнинг тўнғич кизи Гулноранинг “тахт ишқи”даги амбициялари чегара билмаслиги кундан-кунга равшанлашмоқда. У ўзининг бемаъни қўшиқларини одамлар онгига мажбурий равишда сингдиришга кўпдан уриниб келади.

Қароқчи хонимнинг бу ҳаракатлари нималар билан тугашини кўрадиган вақтга эса оз қолди...

Улуғбек Ҳайдаров



РИВОЖЛАНМАГАН ЖУРНАЛИСТИКАНИ «РИВОЖЛАНТИРИШМОҚЧИ»

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот во-ситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамда ЎЗДЖТУ ва ЎЗМУнинг журналистика факультетлари ҳамкорлигида “Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар, эришилган натижалар ҳамда истиқболдаги вазифалар” мавзусида анжуман ташкил этилди

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот во-ситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди вакили, ЎЗДЖТУ Халқаро журналистика факультети декани, ЎЗМУ журналистика факультети декани ва бошқалар ўз маърузаси билан қатнашдилар.

Анжуманда Ўзбекистонда гўёки, мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликлари ишларини мустақамлаш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича “намунали” лойиҳалар амалга ошириляётганлиги эътироф этилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач журналистик фаолият билан боғлиқ учта асосий қонун қабул қилган. Аммо вақт қонунлар қабул қилинишигина етарли эмаслигини исботлаб берди.

Қаримов режими хақиқий журналистларни қамаш, сургун қилиш орқали Ўзбекистонда журналистиканинг фақат номи бор эканлигини, журналистлар доимо босим остида эканлигини исботлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида» Қонуни нинг 3-моддасида “Журналист-Ўзбекистон Республикасининг ёки хорижий давлатнинг ОАВларида хизмат қиладиган ёхуд уларда шартнома асосида ишлайдиган ва маълум мавзудаги ахборотни тўплаш, таҳлил этиш ҳамда тарқатиш билан шуғулланувчи шахсдир”, дейилади. Қонун қоғозда бор, лекин бирор журналист хорижий журналистлар билан алоқа қилса ёхуд давлат ичида бирорта мавзунини таҳлил қилса Ўзбекистоннинг маълум хизматлари томонидан ҳеч

бўлмаганда бирорта шантаж асосида фаолияти чекланади.

Аммо, энг ачинарлиси шундаки, Ўзбекистоннинг ичида ва ё ташқарида Ўзбекистоннинг давлат сиёсатини холисона ёритаётган журналистларнинг ҳаёти доим хавф остида. Уларни Ўзбекистон МХХи таъқиб остига олганлар. Бунга яққол мисол, куни кеча журналист Сергей Наумовнинг ушлаб кетилиши, бундан тўрт йил аввал Қирғизистонда Алишер Соиповнинг отиб кетилиши ва яна бир қатор журналистларга таҳдидлар... Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон МХХ тарафидан уюштирилган, дейилади.

Ўзбекистонда фақат Қаримов сиёсатини мактаб, уни кўқларга кўтаридиган журналистларгина ОАВларида бемалол ишлай оладилар.

ЎХХ хабар маркази.

Лола Каримова-Тиллаеванинг ББСга берган интервьюси кўпчиликнинг диққатини ўзига тортди. Бу, албатта, табиий ҳол. Диктаторнинг бир кизи - очикчасига президентликка "отамерос" талашаётгандай олишиб турган пайтда, иккинчи кизи Лоланинг ўз оиласи, фарзанлари ҳақида гапириши айни масалаларга ўзбекона миллий кийим кийдирилгандек кўринади. Кийиниши ҳам одмигинадек... Асл моҳиятдан беҳабар одамда Лола, оиласи, ўзини тутиши ва суҳбатдаги гаплари нисбатан ҳатто ижобий таъсир қолдириши ҳам мумкин. "Ҳа, энди, оиласи шарафини ҳимоя қилаёбди..." деган ҳаёлга ҳам борасиз.

...Агар "оила шарафи" атамасини бу, бор кирдикорлари билан деярлик бутун дунёга танилган оилага нисбатан ишлашиш мумкин бўлса...

Менда ҳарбир айтилган ёки ёзилган жумлага нисбатан мантқиқ нуқтаи назардан ёндошиш каби ёмон одат бор... Ҳарбир жумланинг айтилиш, юзага келиш сабаб илдизларига назар ташлаб кўраман. Шунда ундаги баъзи яширин, ёки чала айтилган ҳақиқатлар кўзга ташланади. Швецарияда яшайдиган дўстимиз Алишер Таксанов радиосуҳбатни яхши таҳлил қилибди. Мен унинг фикрларига тўлиқ қўшилиш билан бирга, баъзи ўзимнинг ақлим ет-

ОТАМЕРОС

ган ерларини қайд этиб ўтишим мумкин...

Радиосуҳбат, юқорида айтганимдек, бир ўқиган одамда ҳатто ижобий таъсир уйғотиши мумкин. Очиги, биз билган Гулнорага нисбатан ўзбекироқ, одамийроқдек...

Ҳозирги воқеалардан, жамоатчилик муносабатларидан анчагина хабардорлиги ҳам кўзга ташланади. Ўринли ва керакли жумлаларни танлаш, айтиш ҳам қўлидан келади... Айниқса, болалар ва болалар меҳнати ҳақида... Гўё отаси олиб бораётган сиёсатга нисбатан муҳолифдек... Ҳудди шу жойда бироз ўйлаб кўришга эҳтиёж сезасиз...

Ёлғонларини ва ёлғонлигини ҳисобга олмаганда...

Муҳими шундаки, ББС га фақат ёзма равишда жавоб беришга рози бўлган. Ҳарҳолда, муносиб, ўзига керакли шаклдаги қолипларни топиш ва ўз ўрнида фойдаланиш учун қулай йўл. Балки консультантлари ёрдамидан фойдаланиш имкони ҳам ҳисобга олингандир. Хуллас, керакли даражада тайёрланиб, кейин берилган жавоблар. Муҳими, ёлғонларни самимият қобиғига ўраб бериш. Бу ҳам маълум маънода фикр юритишни талаб қилади.

Маълум бўлишича, ББС берган саволларнинг кўпини четлаб ўтилган ва ўзи қулай келадиган саволларгагина жавоб берган...

Ҳатто, отасининг диктатор эмаслигини даъво қилиб, бир Франция журналистини судга берганда бўлиб ўтган воқеани ҳам, чалкаштиришга урингани кўриниб турибди. Судни унга қулоқ солмаганлигида айблайди.

Аслида, у журналистни судга берганда, пул ва президент кизи сифатидаги обрўси билан иш битириши ва бу ерда ҳам осонгина ютиб чиқиши мумкинлигини ўйлаган. Ҳамма нарсага ақли етадигандай одам худди шу ерда катта хатога йўл қўйганини, отасини ҳам, оиласининг бошқа аъзоларини ҳам асл башараларини очиб қўйганини тан олгиси келмайди...

Гапни айлантириб ўтади ва "Суд бизнинг гапимизга қулоқ солмади" дегандай гап қилади. Европада судлар ҳатто президентларнинг ўзларини ҳам жавобгарликка тортишлари мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмаса керак... Суднинг чиқарган қарори эса аниқ - таниқ:

"ИСЛОМ КАРИМОВ - ДИКТАТОР" АСЛИДА, ДИКТАТОРЛИКНИНГ ЎЗИ - ЖИНОЯТДИР.

Ёдгор Обид

ИСМАТ ХУШЕВ: МУҲАММАД СОЛИҲГА ОТИЛГАН ЎҚ



Суратда: "Дунё ўзбеклари" Бош муҳаррири Исмат Хушев ўзбек муҳолифати лидери Муҳаммад Солиҳ хонадонинда, сентябрь, 2013 йил, Истанбул.

...Муҳаммад Солиҳнинг уйида ўша кунга кечга қадар дардлашиб чиқдик.

Оилам янгам билан алоҳида уйда, биз Солиҳ ака билан меҳмонхонада, ҳеч ким бизга халал бермас, Ўзбекистонни жондан ортиқ суйган икки йигит, икки ижодкор, бири журналист, бири шоир, бири матбуотчи, бири сиёсатчи кун бўйи мириқиб суҳбатлашдик.

Фақат тушлик ва кечки овқат пайтлари оилаларимиз билан бирга ўтирдик. Бошқа пайтда иккиламиз, яккама якка - "с глазу на глаз" кўп гапларни гаплашиб олдик.

Мен Туркияга Муҳаммад Солиҳ олдида келарканман, унга берилajak талай саволларни ўйлаб қўйган эдим. Мен ундан жуда кўп нарсаларни сўрамоқчи эдим. Менинг қалбимда унга айтимокчи бўлган сўз ва саволлар жуда кўп эди.

"Дунё ўзбеклари" Бош муҳаррири Исмат Хушевнинг ўзбек муҳолифати лидери Муҳаммад Солиҳ билан суҳбати

Суҳбат мавзумиз асосан Ўзбекистон ва мен суйган президент Ислон Каримов ҳақида бўлди. Президент масаласида иккаламиз тортишиб қоламиз деб ўйлагандим, йўқ, хато қилган эканман.

Мен Муҳаммад Солиҳнинг гапларида Ислон акага нисбатан нафрат ва ҳақорат кўрмадим. Гапларида ўз рақибига нисбатан доим инсофли бўлишга интиляётган яққол сезилиб турди.

Сиёсий фаолияти учун учта укаси узок йилларга қамалган бир инсоннинг ўз рақибига қарши адолатли бўлишга интилиши тақдирга шоён эди.

Асл сиёсатчилар шунақа мард ва одил бўлиши керак эмасми. Қани энди бизда ҳам АҚШдаги каби муҳолиф томонлар абадий муҳолиф бўлиб қолса-ю, лекин бу муҳолифлик фақат сессия ва сенат йиғилишларида, сиёсий кураш жабҳаларида бўлса.

Ҳаётда, жамиятда улар бир бирлари билан қўлни қўга бериб, ўзаро дўст ва камарбаста бўлиб ишласалар.

Ахир бизда ҳам ҳукумат ва муҳолифат бир бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб ишлаши, ватан ва халқ равнақи учун биргалашиб курашиши нахот мумкин бўлмаса, деган ўйлар мени кийнади.

Йигирма йилдан буюн амалдаги ҳукуматга муҳолифатда бўлишга уни нима мажбур қилганини билишни истардим.

Хуллас, Муҳаммад Солиҳ билан гаплашадиган гапларим ростдан ҳам кўп эди.

Бугун муҳтарам ўқувчиларимизга Туркияга сафарим давомида Муҳаммад Солиҳ билан бўлган суҳбатнинг бир қисмини ҳавола этишга қарор қилдим.

Қолган қисмлари "Истанбулга саёҳат" рукни давомида сафар хотиралари билан бирга бериб борилади.

Хуллас, ҳали гаплашадиган гапларимиз кўп.

Эртага мезбон бизни оиламиз билан Туркиянинг энг қадимги пойтахти Адирна шаҳрига олиб боражагини маълум қилди...

Демак, Муҳаммад Солиҳ билан савол жавобларнинг биринчи қисми билан танишинг.

- Солиҳ ака! Бугун Сиз Ўзбекистондан ташқаридасиз. Ўзбекистоннинг реал ички ҳаёти билан танишимиз? Агар сир бўлмаса қайси каналлар орқали?

- Замон интернет замони, бир мамлакатда йўталсанг наригисида бу йўтал эшитилади. Бугун сир сақлаш қийин. Бизга ҳам, ҳукуматга ҳам. Агар сир сақлаш мумкин бўлсайди, биз Ўзбекистон Президенти ва унинг яқин атрофи ҳақда бугунги билганларимизни ҳеч билмаган бўлардик.

(Давоми кейинги саҳифада)

ИСМАТ ХУШЕВ: МУҲАММАД СОЛИҲГА ОТИЛГАН ЎҚ

(Давоми. Боши олдинги саҳифада)

Масалан, кеча Лола Каримованинг опаси Гулнора билан 12 йилдан бери гаплашмаётгани ҳақда Лоланинг ўзи эътироф қилди. Нега? Чунки бу ҳақиқатдан фақат Ўзбекистонда эмас, балки бу оила ишларига қизиққан ҳамма йилларча воқиф эди.

Яъни бизнинг ватандан хабар олиш муаммосиз йўқ. Хабар каналлари кўп, ҳам хўсусий, ҳам расмий каналлар.

- Йигирма икки йиллик мустақилликнинг йигирма йилини хорижда ўтказаяпсиз. Ўтган бу йилларда Ўзбекистоннинг ютуқ ва камчиликларини нималарда кўрасиз?

- Ютуғини шунча қийинчиликка, йўқсилликка ва давлат тизимларининг фуқораларга қилаётган сурункали адолатсизликларига қарамай, хали ҳам фуқоролар уруши бошланиб кетмаганида, истиқдорнинг сақланиб қолишида кўраман. Бунга шуқр қилишимиз керак. Бунинг учун биринчи навбатда, халқимизнинг сабр-тоқати олдида қарздоримиз. Камчилик ҳақда гапирар экан, бу ерда ҳукуматнинг камчилиги ҳақда гапириш мумкин. Унинг камчилиги, шунчалар салим ва тоқатли халқнинг сабр-бардошидан фойдаланиб, бутун соҳаларда тубдан ислохлар ўтказиш имкони бор экан, бундан фойдаланмаганида. Халқининг бардошини синашда давом этиб, адолатсизликда давом этаётганида ва буни тўғри йўл деб, ўзини ва халқини ишонтиришга уринаётганида деб биламан. Бу қайсарликнинг охири хайрли тугашига ишонч оз.

- Солиҳ ака. Менинг хотирамда Сиз Президентнинг рақиб бўла туриб, лекин у кишига ҳужум бўлган сессияда Ислом акани дадил ҳимоя қилганингиз муҳрланиб қолган. Ушанда мен сессия мажлисининг биринчи қаторида ўтирган эдим. Ислом акага қарата айтган мана бу сўзларингиз то ҳануз қўлоқларим остида жаранглаб турибди: “Қани Сизнинг ҳоқимларингиз. Нега улар бугун оғизларига мум солиб олишган?” Хуллас, яхши гапирган эдингиз. Нега ўшанда Сиз ҳеч ким кутмаган бир пайтда Ислом Каримовни ҳимоя қилиб чиққан эдингиз?

- Мен Каримовни ҳимоя қилганим йўқ, ўз эътиқодимни ҳимоя қилдим. Иккюзламачиликка қарши чиққандим ўша куни. Чунки Каримовга ҳужум қилаётганлар ўша воқеадан аввалги сессияда мен Каримовни танқид қилганимда, ер тепиб, менинг минбардан тушиб кетишимни талаб қилган депутатлар эди. Бу мени хайратга солди ва уларга буни минбардан очиқ айтдим. Бўлгани шу. Кейин бу ҳаракатимнинг Каримовга мадад бўлгани ҳақда менга дашном қилганлар кўп бўлди, аммо Оллоҳ олдида мен тўғри ҳаракат

қилганимдан шубҳам йўқ. Қолаверса, ким бўлса бўлсин, бу Каримов бўлса ҳам, ноҳақликка учраса, уни ҳимоя қилиш ҳар қандай иймон ва виждон соҳибининг вазифаси деб биламан, мени шундай тарбияладилар. Ўша сессияда Каримовга қарши айтилган танқидлар тўғри эди, мен бу танқидга эмас, инсонлардаги иккиюзлиликка қарши гапирдим.

- Солиҳ ака, сиёсатдан тўйган бўлсангиз керак, келинг энди Сизнинг профессионал касбингиз – адабиётга қайтсак. Нима ўқияпсиз, нима ёзаяпсиз?

- Имом Бухорий ва Ғаззолий ҳазратларининг китобларини мутулаа қилаяпман. Ёзилаётган нарсалар айтишга арзирли бўлмаган, кичик матнлар. Балки бир системага тушса, эълон қилинар насиб этса.

- Бугунги ўзбек адабиёти ҳақида фикрингиз? Бу фикрлар ўзбек ўқувчиси учун жуда муҳим.

- Афсуски, ўзбек адабиётининг бугунги ҳолидан яхши хабардор эмасман. Мутлоко истеъдодли инсонлар бордир, аммо уларни махсус ўрганишга вақт тополмаяпман. Фақат яқинда буюк шоиримиз Рауф Парфининг 70 йиллигига бағишланган тадбирнинг бекор қилиниши Ўзбекистонда истеъдодлар шажараси битими деган машъум фикрни туғдиргани ҳам бир ҳақиқат. Чунки ҳақиқий истеъдод жасорат билан айни савияда юрадиган бир фазиладир. Тошкентда бу тадбирнинг қолдирилишга қарши Рауф Парфининг шонини ҳимоя қилиб чиққан ёшларни кўрмадик, бу бизни маҳзун этди.

- Солиҳ ака. Таниқли ва машҳур ёзувчилар ҳамиша шахсий муносабатлардан устун туришган. Ўзлари ёқтирмаган ҳамкасблари – агар у истеъдодли бўлса, у ҳақда ўз ижобий фикрларини ҳеч қачон яширишмаган. Виласиз, Толстой ва Тургеневлар ўзаро душман бўлишган. Лекин уларнинг бир бири ҳақидаги улғу ва ажойиб сўзлари бизгача этиб келган ва бизни ажиб хайратларга ошно этган. Биз ҳақиқий бағри кенгликни рус ва жаҳон адабиётидан ўрганишимиз керак, шекилли. Шундан келиб чиқиб мен Сизнинг Абдулла Орипов билан Эркин Воҳидов ҳақидаги муносабатингизни билишни истардим...

- Эркин Воҳидовга ҳам, Абдулла Ориповга ҳам катта ҳурмат билан қараганмиз ва бу ҳурмат бугун ҳам мавжуддир қалбимизда.

Уларнинг шеърляти ҳақда камина тарафидан айтилган баъзи танқидий фикрлар бўлса, бунга ҳам адабиёт нуқтаи-назаридан қараш керак. Бу танқид ҳам уларнинг профессионал мавқеига қарши эмас, балки ижтимоий мақомига бўлган муносабатдан иборат эди. Яъни бу икки кучли шоирнинг бир

фуқоро сифатида бутун сиёсий режимларда бир хил комфорт, хашам ва ҳурмат ичида яшашга интилишларини ҳеч тушунаолмаганман. Чунки улар (биз) бошимиздан кечирган сиёсий режимларнинг ҳеч бири шоир севиши мумкин бўлган, шоир хизмат қилиши мумкин бўлган, адолатли ва инсонпарвар режимлар эмас эди, аксинча, зулм режимлари эди. Мен шунга хайрон бўлганман. Бу шоирларнинг позициясига танқидий қараш мустақиллик ва Каримов давридан анча олдин бошланган. Масалан, шу шеър Совет замонида, Шароф Рашидов даврида, 1980 йил ёзилган:

ЗИНАПОЯ

Чақмоқдай «ялт» этди

янги бир фикр,

Шиддат тикон гулдай барқ урди,

Ўрнидан турди,

Ёришиди ним қоронғу тафаккур,

«ТЎҚНАШУВ» деб ёзди қоғозга!

Ўйлаш мумкин эмас эди,

Афсус ўйланди -

Устидан чизилди «ТЎҚНАШУВ»,

Ёнига ёзилди «ЮЗМА-ЮЗ».

Ўйлаш ўлим билан баравар эди,

Лекин у қўрқмади,

«ЮЗМА-ЮЗ»нинг ҳам

«УЧРАШУВ», деб қўйди ёнига.

Эдди ўйлаш ўлим деган гап эмас.

Энди у мутлақо хотиржам -

Бир-бир босиб, хиромон юриб,

«УЧРАШУВ» «ВИСОЛ»нинг

ёнига келди.

(1980)

Абдулла Орипов, адашмасам, 70-йилларнинг бошларида “Юзма-юз” деган бир катта шеър ёзган эди, ундан биз, антисовет руҳидаги ёшлар, жуда илҳомланган эдик, бу бир ижтимоий манифест, аниқ бўлмаса-да, бир ижтимоий норозилик ҳужжати эди. Лирик кечинмалардан баланд, куруқ сиёсий декларациядан ҳиссийроқ Баёнот бўлиб кўринганди бу шеър. Аммо бизнинг умидимиз узокка чўзилмади, шоир тез орада режим олдида ўзини оклай бошлаганини эслайман. Яни 1960 ларнинг охирида ғаним билан “Юзма-юз” келиб, Тўқнашувга тайёр бўлган бир исёнкор шоир 1970 ларнинг ўрталарида ўша “Тўқнашув”ни ширин Висолга айлантирганди гўё.

“Зинапоя” шеъри 1980 йилда А.Ориповнинг “Марказқўмга” (кейинчалик “Нажот қалъаси”) дея аталиб, “Совет Ўзбекистони”да босилган шеърига жавоб тариқасида ёзилганди. Аммо “Зинапоя”ни ҳеч қаерда босишмади, уни фақат 1986 йилда чоп этилган “Олис табассум сояси” деган китобимга қиритаолдим. Албатта, унда ҳам бу матнинг А.Ориповга бағишланганини айтиш мумкин эмасди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Абдулла Ориповнинг профессионал шоирлигига келсак, ҳеч шубҳасиз, ўзбек адабиётдаги буюк сўз усталаридан биттасидир. Аини ташбихни Эркин Воҳидовга ҳам бемалол қўллаш мумкин.

Агар хабарингиз бўлса бу икки бетакрор *истеъдод соҳиблари ўрнига бошқа икки ижодкор сенаторликка сайланган. Иқбол Мирзо – Эркин Воҳидов ўрнига, Маҳмуд Тоиров – Абдулла Орипов ўрнига. Уларнинг ҳар иккаловига ҳам “Ўзбекистон халқ шоири” унвони берилган. Сиз уларнинг ижоди билан қанчалар таниши-сиз?*

- Мен уларнинг ижоди тугул, исми-ни ҳам билмайман, эшитмаганман...

- *Бир пайтлар адабиёт ва сиёсатда тўрт ижодкор, тўрт сафдош яқин дўст эдинглар. Булар Шавкат Раҳмон, Хурийд Даврон, Усмон Азим ва Сиз эдингиз, шекилли. Шу билан бирга мен Сизларнинг сафингизда Эркин Аъзам, Мурод Муҳаммад Дўст, Иброҳим Ҳаққул, Аҳмад Аъзам, Муҳаммад Раҳмонлар ҳам борлигини биламан. Ислоҳ Каримов ҳокимиятга келганидан кейин уларнинг аксарияти худди мен каби янги давлат раҳбарининг ёнига ўтишди. Сиз эса ёлғизлини хорижга кетишга мажбур бўлдингиз. Лекин ажабки кейинчалик уларнинг ҳаммаси урилиб, яна оддий ижодкорга айланиб қолишди. Сиз эса шу маънода менинг назаримда улардан анча баландда қола билдингиз. Бугун шу дўстларингизга нима деган бўлардингиз?*

- Уларнинг ҳаммаси менинг дўстларимдир, дўстларимдан ҳеч қачон ўзимни устун қўймаганман – на бугун, на-да ўтмишда. Бир кураш, бир мужода бошланади, ҳар ким ўз кирғоғини белгилади. Мен улар танлаган позицияси учун қоралай олмайман. Ҳаманинг менинг танлаган кирғоғимга чиқишини ҳам орзу қилмаганман. Бу бир фитрат ва зеҳният масаласи. Ҳар ким ўз ҳаракати учун масъулдир, мен ҳам фақат ўз ҳаракатимдан масъулман. Хуллас, мен дўстларимдан розиман, улар ҳам мен ғарибдан рози бўларлар деган умиддаман.

- *Сиз каби ҳукуматга муҳолиф бўлгани боис ўзбек адабиётидан номи ўчирилган Гулчехра Нуруллаева ҳақида нима деган бўлардингиз...*

- Гулчехра Нуруллаева ўзбек аёлларининг номусидир. Миллий адабиётимизнинг фахридир. Ноёб бир жасорат соҳибаси, гўзал инсондир мухтарам опамиз. Сўнгги 20 йилда ҳақсизликка қарши ўзбек адибалари ичида битта аёлнинг овози чиқди Ўзбекистондан, бу овоз Гулчехра Нуруллаеванинг овози эди. Оллоҳ унга хайирли умр берсин, у интилга ёруғ кунларни кўриш унга насиб этсин...

(давоми бор)

dunyouzbeklari.com



Жиззах шаҳрида дув дув гап: “Жиззах шаҳрининг ҳокими Асрор Қобиловнинг хайдовчиси Жасур бир ҳафтадан буён йўқмиш! Қидирувда эмиш!”

Шаҳар ҳокими автотомобилининг “эгаси” сифатида, кимсан “мэр”нинг яқин одамларидан бири бўлган хос хайдовчининг ғойиб бўлиши, 180 минг аҳолига эга бўлган шаҳар аҳолиси ўртасида №1 шов-шувга айланди.

32 ёшли Жасур Аширкулов 2008 йилдан бери Жиззах шаҳар ҳокими Асрор Қобиловга хайдовчилик қилади.

ЖИЗЗАХ ҲОКИМИНИНГ ХАЙДОВЧИСИ ҒОЙИБ БЎЛДИ

Биз, ҳокимнинг хайдовчиси яшаган Оққўрғонлик маҳалласи Й. Салимов кўчасида яшовчи дўстларимизга сим коқдик. Улар ҳақиқатда Жасурнинг Асрор Қобиловнинг автотомобилини бошқарганини, ва бир ҳафтадан буён қидирувда эканлигини айтишди.

Уларнинг айтишича, Жасур Аширкулов Жиззах вилоят МХХ ходимлари томонидан шаҳар фуқароларининг бирдан катта миқдорда пул олаётганида қўлга олинган. Ҳоким Асрор Қобиловнинг аралашуви билан у хибсда қолдирилмаган ва шаҳарни тарк этмаслик шарти билан очикда қолдирилган. Ўша тунда Жасур ўз уйида тунаган ва тонгда ғойиб бўлган. “Жасур нафақат шаҳар ҳокимининг хайдовчиси, балки ҳоким ва фуқаролар ўртасида воситачилик вазифасини ҳам бажарарди. Кимга ер керак, ким савдо дўкони очмоқчи, кимга уй керак, ҳаммаси Жасурни уйига келарди” дейди ҳокимнинг хайдовчиси яшаган Й. Салимов кўчасида истиқомат қилувчи бир фуқаро.

Ҳокимнинг хайдовчиси йўқолиб қолгани ҳақидаги хабар кундан кунга турли миш мишлар билан “тўлиб”, Жиззахликлар орасида яшин тезлигида тарқалаёпти, лекин бирон бир расмий идора, одатдагидек, бу воқеа ҳақида ҳеч қанақа расмий шарҳ бергани йўқ.

Айни пайтда, Жиззахликлар бўлиб ўтган воқеа тўғрисида тўғри шаҳар ҳокими Асрор Қобиловга боғлиқ экани ҳақида гапиришиб, “Тез кунларда шаҳар ҳокими ҳам кетади” дейишяпти. Баъзи Жиззахликлар “Жасурни, бошқа ишлари очилиб кетишидан қўрққан ҳокимнинг ўзи қочириб юборган” деса, бошқалари “Эхтимол, Жасурни аллақачон гумдон қилишгандир?” деган ваҳимали тахминни айтишяпти.

Нафақат Жиззахда, балки республикада ҳам танилган тадбиркорлар сулоласи бўлган Қобиловлар инқирозининг бошланиши сифатида кўрилаётган бу воқеанинг тафсилотларини кузатиб борамиз.

УХХ махсус муҳбири,
Жиззах

ЙЎҚОТГИН...

*Эй халқим тепангдаги,
оч офатни йўқотгин,
Косангни оқартирмас,
касофатни йўқотгин,
Армаган бошингдан,
фалокатни йўқотгин,
Келажагинга таҳдид,
ҳалокатни йўқотгин.
Эзилиб кетдинг бунча,
юрк бағринг, қон бўлди,
Қанча мард ўғлонларинг,
турмада қурбон бўлди,
Сенинг бу жимлигинг,
барча халқ хайрон бўлди,
Тарих олдида қилган,
хиёнатни йўқотгин.
Ҳеч ким кураш қилмасдан,
ҳаргиз озод бўлмаган,
Адолат бўлмагунча,
юртлар обод бўлмаган,
Тарихингда бунчалик,
зулму бедод бўлмаган,
Кўз очиб оламга боқ,
жаҳолатни йўқотгин.
Айтгин сени юртбошинг,
қачонгача алдийди,
Қачонгача фарзандинг,
қотган нону сув ейди,
Фарзандларинг хорижда,
қачонгача дайдийди,
Бас энди, мардикорлик,
мақоматни йўқотгин.
Ҳалиям ҳукмрондир,
маҳаллий уруғчилик,
Ҳалиям ҳур бўлмадинг,
шуурунгда қулчилик,
Бир бирига адоват
ичра яшар кўпчилик,
Ҳеч битмаган ўзаро,
адоватни йўқотгин.
Сен кутган мустақиллик,
эркинлик сароб бўлди,
Дард устига чипқондек,
фақат изтироб бўлди,
Бемаъни удумлардан,
халқ ҳоли хароб бўлди,
Қонингни ичиб турган,
урф одатни йўқотгин.
Дунё халқлари бугун,
хурлик сари интилар,
Ҳар юртни ободлигин,
албатта шу халқ қилар,
Ўз қадрингни билмасанг,
ўзгалар қайдан билар,
Қулдек, ҳар нарсага жим,
итоатни йўқотгин.
Бас, айтма сохта Ватан мадҳиясини,
тўхтат,
Бу золимга итоат,
талбиясини тўхтат,
Боланга берма қуллик тарбиясини,
тўхтат,
Асрга татиғудек,
жиноятни йўқотгин.
Бас қилиб бу қўрқувни,
курашини ихтиёр қил,
Сенга зулм қилган бу,
золимни тору мор қил,
Зулм уругин қурит, Адолат устувор қил,
Юрагингдан жой олган,
жароҳатни йўқотгин.*

Саҳвий



Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида адабиётга кириб келган тенгдошларимизнинг кўпчилиги қисмининг оталари Иккинчи жаҳон урушидан,

ишчи фронтларидан қайтмаган, юракларида чандиклари бор йигитлар эдик. Ўша кезларда Дўрмондаги ижод боғида ўтказиладиган семинар кенгашларида бизларга сабоқ берган Миртемир, Шайхзода, Шухрат ва Саид Аҳмад каби улуғ устозларимиз

қайтмагач, онаси Ширмонхон опа “пилта-савати” билан уч ўғилни Жўравой, Чўлпон ва Сайдуллоларни тарбиялаб вояга етказди, уйлаб-жойлади.

Тақдир тақазоси билан шоир биродаримнинг маҳалласидан уй-жой қилиб кўним топдим. Чўлпоннинг тоғалари Чирмашвой, Хусанбой акалар Ўшнинг эътиборли кишиларидан саналарди. Сайдулло эса энг яқин укаларимдан бирига айланди. Холавачалари Исоқжон ва Ортиқвойлар – жўраларим.

1965 йилдан эътиборан Тошкентга серкатнов бўлишимга тўғри келган. Боиси – Миллий универ-

гарларнинг жавоби пойинтар-сойинтар эди.

Нихоят, тугунларнинг ҳақиқий эгаси тепақўрғонлик Хадича опа Олимова бўлиб энлай материалларнинг ҳажмини, ранг ва тусини, пулларнинг аниқ ҳисобини тўқис айтиб бергач, бошқаларнинг тарвузи қўлтигидан тушди.

Бир ойдан сўнг Хусанбой ака билан Хадича опанинг ўғил тўйида меҳмон бўлдик.

Бу орада Чўлпон Эргашнинг “Тонг юлдузи”, “Бизнинг уйимиз”, “Умид чироғи”, “Баҳор орзулари”, “Сехрли кўнғироқ”, “Ой чодир тикмоқда”, “Энг баланд қаср”, “Карвон ке-

МЕН БИЛГАН ЧЎЛПОН ЭРГАШ

эса мустабид тузумнинг жабру жафоларини татиб қайтган инсонлар эди.

Дўрмонда ўтган ижодий кенгашлар туфайли танишган Тўра Сулаймон, Йўлдош Сулаймон, Сафар Барноев ва камина етимликнинг ғам-андухларини ҳазил-хузул билан кўнгилдан чиқаришга ҳаракат қилардик.

Бироқ Маъруф Жалил билан Чўлпон Эргаш одамови, хонанишин бўлиб, давраларга камроқ кўшиларди. Кейинроқ маълум бўлишича, улар Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носирларнинг тақиқланган айрим асарларини биздан аввалроқ ўқиб, кўп нарсаларни билиб олишган экан.

Балки мен кечроқ таниган ҳамшаҳрим Чўлпон Эргашга унинг тортинчоқлиги, одамовилиги монелик қилгандир. “Қирғизистон ҳақиқати” республика газетаси 1960 йилда Бишкекдан Ўшга кўчиб келгач, адабий жараён анча жонланди.

Бобур номидаги драма театрининг безакчиларидан бири Обиджон Ҳамидов дастлаб Чўлпон Эргаш ҳақида каминага сўзлаб берганди. У шаҳардаги Тельман номли ўрта мактабни битиргач, уч-тўрт йил театрда ишлаб, кейин Тошкентдаги маданий-оқартув техникумига ўқишга кетган экан. У билан 1963 йилнинг май ойларида ёзги таътилда Ўшга келганида қайтадан танишдик.

Шаҳарнинг кўзга кўринмас ташвишлари, айниқса, ижодкорларни куттилмаган синовлари билан “сийлайди”. Ана шундай кезларда ёлғизқўл каминадай одамнинг ҳолига вой. Бу жиҳатдан Шавкат Раҳмонга ҳавасим келарди.

Сабаби, қанотида ота-онаси, акаси Тошпўлат оғам, суянчтоғи укаси Маҳмуджон турарди. Чўлпоннинг отаси Иккинчи жаҳон урушидан

ситетимизнинг журналистика факультетига сиртдан ўқишга киргандим. Кўчанинг бошроғида шоир биродаримнинг хонадони. Эрталаб ҳам, окшом ҳам йўлим битта. Гоҳ Жўравой ака билан, гоҳ Сайдулло билан учрашиб ўтаман. Баъзан Чўлпондан андармон бўлган Ширмонхон опанинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қиламан.

Ўқиш баҳонасида “Ленин учкуни” (ҳозирги “Тонг юлдузи”) газетаси редакциясида тез-тез бўлардим. Негаки, бу ерда Тохир Малик, Сафар Барноев, Чўлпон Эргаш, Маҳмуд Саъдий, Мурод Хидир, Эркин Малик каби кадрдонларим ишлашарди.

Чўлпон Эргашнинг оғалари, қариндош-уруғлари ўта ҳалол ва холис кишилар эканлигига ўзим гувоҳ бўлган бир хангома сира эсимдан чиқмайди.

Дам олиш кунларининг бирида Чўлпоннинг тоғаси Ўш-Аравон йўналиши бўйича автобус шофёри Хусанбой ака уйимизга кириб келди. Бир пиёла чой устида у киши куйидаги воқеани сўзлаб берди:

– Ука, бир ҳафтадан буён оромим йўқолган. Ўтган якшанба куни автобусда бир йўловчининг анчагина буюми, пуллари қолиб кетибди. Йўналишимдаги танишларим орқали тегишли жойларга хабар етказдим. Эгаси топилмапти...

Хусанбой ака билан маслаҳатга маҳси кийдириб, энлай материалларнинг ҳисобини чиқардик. Омонат пулларни беш, ўн, йигирма беш сўмликларга ажратиб, энлай матоларнинг ҳажми билан пулларнинг қанчалиги сир тутилган ҳолда газетага эълон берилди.

Шундай қилиб, Хусанбой аканинг хонадони келди-кетдидан узилмай қолди. Йўқолган матонинг сохта эгалари олтмишдан ошса ҳам даъво-

лар”, “Орзунинг оғир киприклари” каби ўнлаб китоби босилиб чиқди. Унинг шеър ва дostonлари ортиқча бакириқлардан холи, вазмин ва “гап тагида гап бор” қабилидаги туйғулар билан суғорилган. У мустақилликни орзу қилиб яшаб, ижод этган Рауф Парфи, Маъруф Жалил, Машраб Бобоев сингари иқтидорли каламкашлардан биридир.

Янглишмасам, 1985 йилнинг баҳор ойлари эди. Окшом уйимизга Сайдулло ғамгин ҳолатда кириб келди. Маълум бўлишича, Ширмонхон опа қазо қилибдилар. Чўлпонга хабар берайлик десак, адреси тўлиқ эмас, телефони йўқ.

Таваккалига Сайёра аканинг хонадонига кўнғироқ қилишимизга тўғри келди. Шоир оғам у пайтда устоз Комил Яшиннинг ёрдамчиси эди. Гўшакни аканинг ўзи кўтарди. Вазиятни тушунтирдик. Ана шундай йўл билан дўстимизга совуқ хабарни етказдик.

Умр ўткинчи, ўлим барҳак экан. Минг афсуски, ҳамшаҳрим, иқтидорли шоир Чўлпон Эргашга тобутқашлик қилолмадим. Ўтган гал Ўшга борганимда Сайдуллодан акасининг вафот этганини эшитиб, ундан кўнгил сўрашдан нарига ўтолмадим. Телеграмма берилмагани сабабли улар ҳам Тошкентга келишолмабди.

Муҳтарам китобхон! Шоир Чўлпон Эргашнинг энг сара шеърларидан ва дostonларидан тузилган сайланмаси бугун қўлингизда. Унга баҳо бериш Сизларга ҳавола.

Биз ўз навбатида дўстимизнинг турмуш ўртоғи Дилоромхонга, фарзандлари Саҳобатхон, Жалолиддинга, Ўшдаги иниларига, мухлисларига сихат-саломатлик тилаймиз.

Турсунбой АДАШБОЕВ

ҚИРҒИЗИСТОНДА АБДУРАУФ ПАРФИ ва МУҲАММАД СОЛИҲ ИЖОДИГА ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

Қирғизистонлик адабиёт мухлислари қўлига марҳум шоир Абдурауф Парфининг “Иймон асири”, шоир Муҳаммад Солиҳнинг “Валфажр” шеърӣ тўпламлари келиб тегди.

Ушлик адабиётшунос ўқитувчи Мамлакат Йўлдошева шоир Абдурауф Парфининг китобини қўлига оларкан, кўнглидан кечган ўйларни шундай ифодалайди:

- Китобни қўлимга оларканман, қалбимни фаҳр туйғуси чулғаб олди. Бишкекда ўзбек адабиётининг, ўзбек шеърятининг намоёндаси ижодига эътибор берилаётгани, унинг ижоди тарғиб қилинаётгани мени қувонтирди, - дейди адабиётшунос Мамлакат Йўлдошева.

ЎшДУ ўзбек филологияси факультети ўқитувчиси, шоир Даврон Ҳотамнинг айтишича, Абдурауф Парфининг китобини қўлига оларкан, уни ҳаяжон чулғаб олган:

- Китоб қўлимга тушаркан, сочлари оқариб кетган, Солиҳ таъби-

ри билан айтганда, инсонларнинг тилида гапиришни ўрганиб олган куш” суратини, юзларида ажинлари тарам-тарам, кўзларида олов, қандайдир бир оловми дард ёнаётган шоир Абдурауф Парфи Ўзтүркни кўриш мен учун жуда ҳаяжонли бўлди. Бу китобдаги буюк ғамни ҳис қилиш албатта ҳаяжонлантормай қўймайди. Шоир шеърларини шошилишч, бир онда ўқигим, ҳаммасини ҳис қилгим, туйгим келди. Аммо қийин эди...

Даврон Ҳотам шоир шеърларидан бирини ўқир экан, нафақат шоир ижодидан, балки унинг шахсидан-да ҳайратланишини айтади: “Тиланчига садақа бермоқчи бўлдим. Ҳеч вақо йўк лекин киссамда. Вой бечора, деди у кулиб”. Тиланчидан ҳам ўзини пастга қўяётган, Тиланчида-ку нимадир бор экан, менда эса ўша Тиланчига бергани ҳеч вақо йўк деб ўзининг ижтимоий ҳолатини айтаётган шоир Абдурауф Пар-

фининг ҳаётини эсласангиз, шоир шахсига, нафақат ижодига, унинг одам сифатида қандай қилиб яшаганини, шоирнинг бугунги кундаги дарвеш эканини ҳис қиласиз.

Сургундаги шоир Муҳаммад Солиҳнинг “Валфажр” китобига эса унинг бутун умри давомида ёзган барча шеърлари киритилган. Китоб сўзбошидан иқтибос: “Шу тубандаги китоб менинг қаламимдан чиқди. Совет даврида ёзилган, гизли ёки ошқора ширк асоратлари ташиган шеърлардан воз кечдим, баъзи даҳрий калималарни тузатдим, бош эмаганларини эса дархол бошини учирдим – таҳрир этдим. Ўйлайманки, мен излаганим бахту-саодатни топдим, иншооллоҳ. Ва сўзимни тутдим: ортиқ шеър ёзмайман. Совет даврида ёзилган шеърлардан шу қўлингиздаги китоб ташқарисида менинг исмидан босилган ҳар қандай шеърӣ матн – меники эмасдир. Бунга Сиз шохид бўлинг”.

Шоир Даврон Ҳотамга кўра, Муҳаммад Солиҳ ижоди 20 асрнинг иккинчи ярмида ўзбек адабиётида туб бурилиш ясаган эди.

Алишер Соилов
16.02.2006

МУҲАММАД СОЛИҲ АТРОФИДА БИРЛАШАЙЛИК!

«Эрк» демократик партияси раиси Муҳаммад Солиҳ Би-Би-Си радиоси билан суҳбатда «бизнинг жамиятимизда, халқимиз ичида режимга қарши протест потенциали бор» деган фикрларни билдиради. Муҳолифат лидерининг фикрича, «бу потенциал бир шаклга кирмаган, йўналтирилмаган, аммо бу потенциал мавжуд. Ва бу потенциал жуда катта».

Муҳолифат лидерлари бугунги кунда Ўзбекистонда сиёсий режимнинг ўзгартириши йўлида ёшлар кучига таянишни асосий мақсад қилиб олганлар. Ўзбек халқини кутқариш ҳаракатлари ҳам даставвал ёшлар ичидан бошланиб, бутун жамият бўйлаб ёйиладиган алангага умид қилмоқда. Бироқ ўзбек ёшларини курашиш учун етарли норозилик манбалари борми? Ёшлар орасидаги норозиликлар қай даража эканлигини ўлчайдиган аниқ мезонлар нималарда кўринади?

Ўзбекистонда юз фоиз матбуот ва ОАВ ларини ўз тасарруфига олган режим ҳар кун матбуот орқали халқни ва жумладан, ёшларни ҳар хил уйдирмалар билан муҳолифатга қарши қайрамоқда. Тошкентда ва Жиззах вилоятида бўлиб ўтган бир неча норозилик акциялари пайтида талаба ёшларни ҳуқуқ ҳимоячиларига

қарши чиққанларини эшлаш кифоя. Уларнинг баъзилари ҳукумат алдовларига ишонишади, айримлари кўркув туфайли бу ишга қўл уришган. Норозилик билдириб чиқаётган талабалар бор, бироқ улар бармоқ билан санарлидир. Ёшлар бугунги кунда режимга қарши курашиш учун лидерга муҳтождирлар. Уларни норозиликларини йўналтирадиган куч мамлакат ичида кўзга ташланмапти. Ташқаридан туриб қилинаётган чақириклар уларгача етиб бораётгани йўк.

Муҳаммад Солиҳ Би-би-си билан суҳбатда Ўзбекистонда норозиликлар асоси олдиндан мавжуд эканлигини айтади. Унинг назарида норозиликлар Грузия, Украина ёки Қирғизистондан олдин ҳам ўзбекларда бор эди. «Фақат... катта бир босим, давлат тарафидан катта бир репрессив аппарат жуда қаттиқ ишлагани учунгина бу ҳали ўртага чиққани йўк». Ўзбеклар ўз турмуш тарзларининг зил-замбил юкидан ва жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий таназзулнинг катталигидан режимга қарши норозилик билдирмоқдалар. «Эрк» лидери муҳолифат суянадиган асосий ман-

ба, деб халқни кўрсатади: «Бизнинг асосий таянган жойимиз - бизнинг халқимиз ва миллатимиз. Ҳозир режимга қарши протест потенциални яхши йўлга айлантиришга бўлган таважжуҳ жуда кучайиб борапти ва биз буни ҳис қилиб турибмиз».

Халқ қачон бўлмасин, чириб бораётган бу режим кулашини ва ҳукумат тепасига бошқа бир, оқил ва узоқни кўра биладиган демократ одам келишини кутмоқда.

Ўзбекистонда жамиятни ислоҳ қилиш учун лидер фактори асосий ҳал қилувчи омил эканлиги кун тартибига чиқиб бўлган. Муҳолифатдаги кучлар ҳам, жамиятнинг илғор қатлами ҳам, ҳукуматнинг ичидаги ўзгача қарашдаги кишилар ҳам ўзбек халқи 15 йилдан буён орзикиб кутаётган лидер атрофида бирлашишни истайди. Биз бугунги кунда Муҳаммад Солиҳ сиймосида ўзбек халқининг ёвуз режим чангалидан кутқаришга қодир бўлган сиёсий арбобни кўрмоқдамиз.

Муҳаммад Солиҳ атрофида бирлашайлик.

Юсуф Расул
2006

ЗЕҲН (ОНГ) НАЗОРАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)



LSD тушунча ва рухий ҳолатда ўзгаришга тез эришиш учун Бинаурал фаоллашув технологиясида ҳам кенг қўлланилади. LSD ишлатилгандан 30 дақиқа сўнгра таъсир этишга бошлайди: қон босими

ортади, титрок, огизда куруклик ҳис этилади, ич кетиш ва назорат қилиб бўлмидиган қулги кистай бошлайди. Кейин LSD қулланганлар ўзларини яхши ҳис этишга бошлайдилар. Кўкларга сакраб, қаҳ-қаҳа отишни хоҳлайдилар, ўйлаган нарсаларини кўра бошлайдилар, инсонлар ва ашёлар ғалати кўрина бошлайди. Дунё ва вужудлари орасидаги чегара тобор йўқ бўла бошлайди. Эшитиш ва кўриш қобилиятлар бир-бирига аралашиб кетади. Улар музикани кўриб, рангни эшита бошлайдилар. Уйқусизлик ва токатсизлик пайдо бўла бошлайди. Унутилган хотиралар бош қўтариб, реал ҳаётдай кўрина бошлайди. Мантқиқли фикрлаш бузилиб, галлюцинациялар кўринади, овозлар эшитилади. Кучли бир галлюцинация ҳолидаги инсонни исталган мақсадга йўналтириш мумкин бўлади.

LSD нинг таъсири 24-48 соат давом этиши мумкин. Таъсири тугагандан сунг инсон теран бир амнезияга қиради, яъни хотирасида ҳеч нарса қолмайди.

Кўшимча моддалар

Бугун фақат озиқ-овқатларнинг ўзида миллионлаб тонна ва, тахминан, 100 000 хил кўшимча модда қўлланилмоқда. Бу рақам дори, пардоз (косметика), баданни парваришlash маҳсулотлари, тозалаш ва кир ювиш воситалари, қишлоқ хўжалиги (ўсимлик) дориларини ишлаб чиқаришда қўлланилган микдор билан бирга ҳар йили ошиб бормоқда.

Кўшимча моддалари гуруҳида хидлар алоҳида рол ўйнайди. Хидлар инсоннинг руҳига ва психологиясига жуда катта таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади.

Бугун рухий бузукликларга дучор қиладиган ёки улардан ҳолос қиладиган, жинсий истак ёки истаксизликни орттирадиган, ҳассо-сликни

кучайтирадиган, инсоннинг маънавий мувозанатини бузади-ган, кўркув ҳолатларини келтириб чиқарадиган, тажовузкорликни (агрессивликни) оширадиган ёки озайтирадиган турли хушхидлар (ароматлар) ишлаб чиқарила бошлади.

Инсон миясида хидларга оид маълумотлар сақланадиган хотира маркази мавжуд бўлиб, мия бу маълумотларни назорат қила олмайди. Шу сабаб, рухий ҳолатда ўзгаришга тез эришиш учун Бинаурал фаоллашув технологиясида ҳам кенг қўлланилади.

25-кадр

Кино, телевизион ва реклама фильмлари ёки ҳар қандай телевизион дастур 24 та кадрдаги расмларнинг бир сония ичида кетма-кет келиши билан ҳаракатли ҳолга келади. Инсон кўзи кетма-кет келган бу 24 кадрни илғаб, улардан кейин келадиган 25-чи кадрни илғай олмайди. Инсон ўзи илғаган кадрлар ҳақида фикр юрита олади, улардан таъсирланиш таъсирланмасликни бошқара олади. Аммо инсон кўзи илғай олмидиган 25-чи кадр инсон назоратини четлаб ўтиб, унинг миясига кетади ва онгига жойлашади.

25-чи кадр, асосан, ёзув шаклида бўлиб, унинг таъсири “илғаш ташқарисидаги огоҳлантирувчи” деб номланади. 25-чи кадр дастурларни тайёрловчилар томонидан одамларни бошқариш мақсадида ишлатилади. 25-чи кадр билан одамларни ҳар қандай фикр ёки ҳатти-ҳаракатга, сайловда маълум бир номзодга овоз беришга, муайян маҳсулотни харид қилишга ёки бошқа бир мақсадда ҳаракатланишга ундаб, уларнинг мияларини бошқариш мумкин.

Бундан ташқари, 25-чи кадр тил ўрганиш дастурларида кенг қўлланилади. 25-чи кадр усули товуш тўлқинлари воситасида магнитофон, CD лар (CD-плеер), радио каби овозли жиҳозларда ҳам қўлланилади.

Махсус код билан шифрланган овоз кассеталари, қўл телефон, радио ва телевидение воситасида одамларга буйруқ берилиб, буйруқнинг бажарилиши таъминланиши мумкин. Кассетадан ёки CDдан исталган нарсани, шу жумладан, илоҳий мавзулар ва ҳатто Қуръони Каримни эшитганда ёки телевидениедан кўрганда, овоз ва тасвирларда таҳликали буйруқ яширилган бўлса, киши бу буйруқнинг ўз онгига сингдирилишига тўсқинлик қила олмайди.

20-асрда жозиб ҳолга келган 25-

чи кадр усули негизида инсонлар ботини(зеҳности)га таъсир қилиш ҳирси ётади.

Бу турдаги эффектлар (таъсирлар) қўл телефон, телевизион экран ва компьютер монитори воситасида қўлланилмоқда.

Олимларнинг айтишича, психотрон ва психотроп технология атом бомбасидан ҳам хавфлидир. Мазкур технология одамлардан берилган ҳар қандай буйруқни бажарадиган “зомбилар ишлаб чиқариш технологияси”дир. Бу бир кишига ёки бир гуруҳ кишига эмас, балки бутун бир миллатга қарши ишлатилиши мумкин бўлган технологиядир.

Қизиғи шундаки, бу даҳшатли тадқиқотларни амалга оширган кишиларнинг фикрига кўра, бу технологиянинг таъсиридан фақат иймон (Аллоҳга ишонч) эгалари омон қолишади. Иймонли одамни гипноз билан ҳам, электромагнит тўлқин билан ҳам назоратга олиб бўлмайди. Бу феномен барча тадқиқот-у изланишларда аниқ-равшан маълум бўлган. Масалан, мазкур изланишлардан бирида гипноз остига олинган бир одамга бошқа бир кишини ўлдириш буюрилган, аммо одам пичокни қўлига олганида, унинг қўли тортишиб қолган.

Демак, қотил бўлмаган одам гипноз таъсири остида ҳам одам ўлдиролмайди, ҳаромдан ўзини сақлаган одам - ҳаромга яқинлашмайди, ёлғончи бўлмаган одам - ёлғон сўзлай олмайди, хоин бўлмаган одам - хоинлик қилолмайди, иймонли инсон - қуфр қилолмайди.

Шу боис, инсон зеҳнини назорат остига олиш учун уни аввал иймон ва ахлоқдан чиқариш керак бўлади. Бусиз инсон зеҳнини назорат остига олиш имконсиздир.

“Ҳақиқат шу-ки, иймонли ва фақат ўз Роббига таваккал қилган кишиларга шайтон ўз ҳукмини ўтказа олмайди. Шайтоннинг ҳокимияти фақат уни дўст тутганлар ва Аллоҳга шерик (ширк) келтирилганлар устидадир.” (“Наҳл” сураси, 99-100)

Ойдин СОЛИХ

*“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)*

ERKIN YURT

“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош